

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ФАХРИЙЛАРИ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга Фарғона туманида яшовчи Турсунбек ота Исаңбеков ҳамда Фарғона шаҳрида яшовчи Татьяна Усманова хонадонларида бўлишиб, фахрийларни ва уларнинг оила аъзоларини бугунги байрам билан табриклидилар.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган Турсунбек ота Исаңбеков Фарғона тумани Хонқиз қишлоғида яшайди. Вилоят ҳокими билан бўлган сұхбатда отахон уруш даврида бошидан ўтказган синовлар, қийинчилеклар, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб берди.

Турсунбек ота 1944 йил 19 ёшида урушга кетиб, 1950 йилда қайтган. Сўнг колхозда бригадерлик қилди. Турмуш ўртоғи Хабибаҳон ая билан З ўғил, 5 қизни тарбиялаб уйли-жойли қилди. Ҳозирда невара-ю эваралар қуршовида умргузаронлик қилмоқда. Отахон уруш даврини ёдга олар экан, бугунги замон ёшлари ундан ёшлари кўрмасликларини, юрга тинчлик тилаб дуо қилди.

Фарғона шаҳрида яшовчи 101 ёшни қаршилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Татьяна Усмонова ҳам вилоят раҳбарларини очик чеҳра билан кутиб олди. Онахон ўз кўнгил кечинмалари билан ўртоқлашаркан, кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканини қайта-қайта таъкидлади.

Турсунбек ота ва Татьяна онахон, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш кераклигини такрор тақорор таъкидладилар, Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Фахрийларга байрам совғалари топширилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-01-14 20:18:02